

# Ўта хору зор бўлган ҳолда намоз ўқиш



13:00 / 03.01.2021 1459

أَلَا قَدْ مَنَّ اللَّهُ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ إِذْ بَدَأَ لَهُمْ فِي الْأَرْضِ الْحَافَةَ إِذْ كَانُوا يَلْبَسُونَ الْكِلَابَ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ жалла зикруҳу изорини судраган одамнинг намозини қабул қилмайди», дедилар».

**Шарҳ:** «Изор» иссиқ ўлкаларга хос кийим бўлиб, тананинг киндикдан паст томонига тутиб олинадиган узун матодан иборат бўлади. Изорни судраб юриш ҳам арабларда кибру ҳавонинг бир кўриниши бўлган.

Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам изорини осилтириб, ерга судраб, намоз ўқиётган бир одамни кўриб қоладилар. Шунда унга: «Бор, таҳорат қилиб кел», дейдилар. У бориб, таҳорат қилиб келади. Кейин яна унга: «Бор, таҳорат қилиб кел», дейдилар. У яна бориб, таҳорат қилиб келади. Ана шунда бир одам:

«Эй Аллоҳнинг Расули, уни таҳорат қилиб келишга икки марта амр қилдингиз?» дейди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шунда ушбу ҳадисни марҳамат қилганлар.

Демак, намозхон одам фахр, кибру ҳаво билан кийимини осилтирмаслиги ва шунга ўхшаш бошқа ишларни қилмаслиги керак. Аксинча, ўзини хокисор тутган ҳолда намоз ўқиши лозим.

لَا أَقَمَّ لَسَوْ وَهِيَ لَعُجَلَلَا لَيْلَ صَبَّ نَلَا نَعُ نَعُ لَلَا يَصْرَه لَلَا ذَبَع نَع  
الْوَلَح ي فُهُرُ كُذَّلَح لَلَا نَمَسِّي لَفَاءَلْيُخ وَتَال ص ي فُهُرَا زِلَابَسَا نَم  
ذُوَاد وَبَا أُمُهُ أَوْرِي مَاح

*Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ким намозда кибру ҳаво ила изорини осилтирса, бас у Аллоҳ жалла зикруҳу ҳузурида ҳалолда ҳам эмас, ҳаромда ҳам эмас», дедилар».**

*Икки ҳадисни Абу Довуд ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Аллоҳ жалла зикруҳу ҳузурида ҳалолда ҳам эмас, ҳаромда ҳам эмас» деганлари Аллоҳнинг ҳузурида унинг ҳеч қандай қадр-қиммати йўқ, деганидир.

Ушбу ҳадисда намозда ман қилинган кийимни осилтириш кибру ҳаво учун бўлганлиги очиқ лафз билан таъкидланмоқда.

Кибру ҳавони хоҳлаган мутакаббирни Аллоҳ таоло у ўйлаган нарсанинг тескараси – қадр-қимматсизлик билан жазолаши турган гап экан.

Шунинг учун намоз пайтида инсоннинг ҳеч бир томонидан, ҳатто кийимидан ҳам кибру ҳавонинг асари кўринмаслиги керак. Ўта хору зор бўлган ҳолда намоз ўқиш лозим.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**